

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИ ЎЗЛАШТИРИШДА ЎҚИТУВЧИ ВА ЎҚУВЧИ ҲАМКОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Н.Ғ.Дилова, Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ ўқитувчиси

Шахсга йўналтирилган таълим жараёнида, айниқса бошланғич синф ўқувчилари билан ҳамкорликда ишлаш ўқитувчи ҳамда ўқувчилар орасида ҳамкорлик ўрнатилишини талаб этади. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўқув ҳамкорлиги жараёнидаги фаолиятлари ўқитувчи улар билан ўз муносабатларини ихтиёрий ҳаракатлар асосида ташкил этганида эмас, балки улар билан маҳсулдорликка асосланган ўзаро ҳаракатлар асосида йўлга қўйганида ўз нуқтаи назарларини ўқувчиларники билан мувофиқлаштирганида тўғри йўлга қўйилади. Ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги кўтаринки ҳамкорлик улар ўзлари учун умумий бўлган нарсалар ва вазиятлар билан боғлиқ тарзда фаолият кўрсатганларида вужудга келади, шундагина улар орасидаги ҳамкорлик ягона мазмун-мақсадга эга бўлади.

Таълим мазмунини ўзлаштиришда ўқув вазиятлари ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги ўзаро биргаликдаги ҳаракат жараёни сифатида уларнинг мазкур вазиятда шунчаки иштирок этишлари эмас, балки уларнинг шахсий муносабатларини уйғунлаштирувчи вазият сифатида намоён бўлади. Бундай вазиятларда ўқув жараёнини шунчаки ўз-ўзича таҳлил қилиш мумкин эмас, ўқитувчи ҳамда ўқувчилар, шунингдек, ўқувчилар билан ўқувчиларнинг ижтимоий муносабатларининг маҳсули сифатида қараш лозим. Ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамда ўқувчилар билан ўқувчиларнинг биргаликдаги ўқув фаолиятлари педагогик жараёнда вужудга келадиган бир қатор умумийликларнинг ифодаси сифатида намоён бўлади. Таълим жараёни субъектлари орасидаги ўқув ҳамкорлиги бир нечта босқичларни ўтаган ҳолда шаклланади. Ўқув материалларини ўзлаштириш жараёнида таълим жараёни субъектлари орасида ягона фикрий майдон вужудга келади.

Таълим мазмунини ўзлаштиришда ўқув ҳамкорлиги 3 та йўналишнинг уйғунлашган ифодасидир. Улар:

1. Ўқувчиларнинг ўқитувчи ва бошқа ўқувчилар билан биргаликдаги фаолиятлари. Ўқув фаолияти жараёнида ўқувчиларнинг интеллектуал билиш ҳаракатлари ривожланади, уларнинг ўқитувчи билан биргаликдаги ҳаракатлар тизими вужудга келади. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларда ўқув майллари ва йўналишнинг характери, билиш фаолиятининг самарали шаклланишини мувофиқлаштиради.

2. Ўқитувчи билан ўқувчи фаолияти нафақат интеллектуал билимларни ўзлаштиришга, балки ўзаро муносабатлар тизимини шакллантириш, ўқув ҳамкорлиги ва мулоқот шакллари вужудга келтиришга йўналтирилади. Ўқувчиларда интеллектуал билиш ҳаракатларининг ривожланишида ўқув майллари ва уларнинг шахсияти, ўқув ҳамкорлигининг таълим олувчиларнинг шахсий, маҳсулдор фаолиятларини фаоллаштириш имконини беради. Бундай вазиятда биргаликда амалга ошириладиган маҳсулдор ўқув ҳамкорлиги ҳақида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ўқув ҳаракатлари қуйидагилар билан тавсифланади: ўқувчиларнинг ўқитувчилар ва бошқа ўқувчилар билан ҳамкорликлари, уларнинг ўқув предмети мазмунини ўзлаштиришлари жараёнида шахслараро муносабатларнинг барча яхши жиҳатларидан фойдаланишлари учун қулай шароит яратади. Бу эса таълим жараёнида ўқув ҳамкорлиги орқали табиий тарзда амалга ошади. Мазкур ўзгаришлар ўзига хос мантиқий асосларга эга. Улар: ўқитувчи билан биргаликдаги ҳаракатдан гуруҳларга тақсимланган ҳолда ўқув фаолиятига киришадилар. Мазкур маълумотлар ўқувчиларнинг ижодий фаолликларини ривожлантириш зарурлигидан далолат беради. Бундай ижодий фаоллик ўқувчилар билан ўқитувчи, ўқувчилар билан ўқувчилар орасида ҳамкорликда фаолият кўрсатишга йўналтирилган муайян педагогик жараён ташкил этилгандагина амалга ошади.

3. Ўқув ҳамкорлиги ва мулоқот таълимнинг барча босқичларида ўқувчиларни фаолликка ундовчи педагогик вазият сифатида намоён бўлади. Биргаликдаги ҳаракатлар ва улар асосида вужудга келадиган ўқувчи-ўқитувчи, ўқувчи-ўқувчи тизимидаги шахслараро муносабатларнинг муҳим шакли сифатида тўлақонли, кафолатланган таълим натижага эришиш воситаси сифатида намоён бўлади. Ўқувчи ҳали интеллектуал билиш ҳаракатлари тизимини ўзлаштирмаган бир вақтда уларнинг ўқув ҳамкорлиги ва бу жараёндаги шахслараро муносабатлар, уларнинг интеллектуал билиш ҳаракатларини шакллантириш ва

мувофиқлаштиришда муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам ўқувчилар билан ўқувчилар орасидаги ўқув ҳамкорлиги вазиятида муҳим вазифалардан бири биргаликдаги ҳаракатларнинг аниқ усуллари эгаллашда ўқувчиларга кўмаклашиш, улар фаолиятини жадаллаштириш, фаолликларини биргаликда натижа олишга йўналтириш, шу орқали ҳамкорликдаги фаолиятнинг ижтимоий моҳиятини таълим олувчиларга аниқлашдан иборат. Шу муносабат билан ўқувчиларнинг интеллектуал билиш фаолиятларини ривожлантиришга хизмат қиладиган ўзига хос вазият вужудга келади. Натижада мазкур вазият уларда интеллектуал билишга оид ҳаракатлар таркиб топади. Улар ҳаракат усуллари тор доирадаги алоқалар асосида эмас, балки кенг доирада фикрлаган ва муайян мақсадга қаратган ҳолда амалга оширадилар. Бу эса ўзлаштирилган ҳаракатларнинг ўзига хос тарздаги ижтимоий моҳиятини ўқувчилар аниқлашлари учун етарлича асос яратади. Ўқувчилар бундай вазиятларда ўзлари учун янги бўлган ҳақиқатлар оламига кирадилар. Бундай шароитда ўқувчилар ўз ҳаракатларининг тўлақонлилигини аниқлашга муваффақ бўладилар. Улар ўқитувчи ёрдамида ўз ғояларини амалга ошириш билан бир қаторда, янгидан-янги натижаларга эришиш имкониятини ҳам кўлга киритадилар.

